


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA MILLIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMAN

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



MENDELEEV DMITRIY IVANOVICH  
(1834-1907)

2022  
FEVRAL  
№37



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.l, 2-uy.



+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00



[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)



[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)

**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
5-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-5**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-5**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 37-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 14 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохода Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ**

<b>1. Хо'jamova Gulsevar Abdullajon qizi</b>	
YUKSAK MA'NAVİYATLI AVLOD-UCHINCHI RENESSANS BUNYODKORLARI.....	7
<b>2. Рахманов Хуршид Ҳамдам ўғли</b>	
ЮРТИМИЗДА ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ, ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРЕЗИДЕНТ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ВА ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАЛАРНИНГ ЎРНИ - БЕҚИЁС. ....	10



## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

### YUKSAK MA’NAVİYATLI AVLOD-UCHINCHI RENESSANS BUNYODKORLARI

Xo’jamova Gulsevar Abdullajon qizi

Andijon davlat universiteti Pedagogika

Instituti 1-bosqich talabasi

Telefon raqami: 337577004

E-mail: muhammadaminxojamov3@gmail.com

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada, bugungi shiddat bilan yangilanib borayotgan davrda butun jamiyatning ustuvor vazifasiga aylangan Yangi O’zbekistonni yuksak taraqqiyot bosqichiga ko’tarishdek ezgu niyatga yangicha va mustaqil fikrlaydigan,o’z Vatanini jonidan ortiq sevadigan,uning yorug’ kelajagi uchun sadoqat bilan xizmat qiladigan salohiyatlari va barkamol yoshlarni tarbiyalash va mamlakatimizda poydevori qo’yilgan Uchinchi Renessans davrining yosh-avlod ta’lim va tarbiyasi, ma’naviy fikrlashiga ta’siri haqida bayon qilingan.

**Kalit so’zlar:** Kreativ fikrlash, madaniyat o’chog’I, kompleks, ma’nan yetuk, intellectual salohiyat, texnik ijodkorlik, strategiya, renessans, globallashuv.

Hozirgi davrda xalqimiz eng rivojlangan mamlakatlarga xos hayot darajasiga erishish, yangi jamiyat qurishdek ulug’vor maqsadlar bilan yashamoqda. Mamlakatimizning zamonaviy va jozibador qiyofasini yaratish, Yangi O’zbekistonni barpo etish vatandoshlarimizning asosiy maqsad-muddaosiga aylandi desak, adashmagan bo’lamiz. Bu borada bir fikrni alohida ta’kidlash joizki, keyingi yillarda hayotimizning barcha sohalarida keng qamrovli va tub o’zgarishlar amalga oshirilmoqda va ijobiy natijalarga erishilmoqda. Eng quvonarlisi, bu ijobiy natijalar ulg’ayib borayotgan yosh-avlod orqali amalga oshirilmoqda. Bugungi globallashuv davrida barkamol avlod haqida qayg’urish, sog’lom,yuksak ma’naviyatli yoshlarni tarbiyalashga intilish jamoatchilik oldida turgan vazifadir. Shuning uchun ham, mustaqillikning ilk kunlaridanoq yoshlar ta’lim-tarbiyasi, ularning ma’naviyatini yuksaltirish sohasidagi islohotlarning tizimli, bosqichma-bosqich amalga oshirishga alohida e’tibor berildi. Xususan, 1991-yil 20-noyabrda qabul qilingan “O’zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatining asoslari to’g’risida”gi qonunda yoshlarga oid davlat siyosatining mazmun-mohiyati, asosiy yo’nalishlari belgilab berildi. Bu o’rinda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar va amaliy ishlarni yuqori baholagan holda quyidagilarni keltirib o’tish mumkin. Aytish kerakki, yoshlar kamolotida ma’naviy mezonlar muhim o’rin tutadi.

Jumladan, har bir o’sib-ulg’ayayotgan avlodning amal qilishi lozim bo’lgan odob-axloq qoidalari jamiyatda tinchlik-osoyishtalik, barqarorlikning qaror topishida ham muhim omil sanaladi. Shu bois yoshlarga oid ilk qonunlar aynan shu siyosatga qaratilgan. Shuningdek, “Sog’lom avlod yili”, “Yoshlar yili”, “Barkamol avlod yili”, “Sog’lom bola yili” davlat dasturlari, 2014-yil 6-fevralda “O’zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishga qaratilgan qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida” PQ-2124-sonli qaror va boshqa me’yoriy-huquqiy hujjatlar sog’lom, yuksak ma’naviyatli, barkamol avlodni tarbiyalashda muhim ahamiyatga ega bo’lmoxda. Bugungi kunga kelib mamlakatimizda ulkan uyg’onish davri bo’lgan Uchinchi Renessans davriga ilk poydevor qo’yildi. Davlatimiz rahbari prezidentlik faoliyatining dastlabki kunlaridanoq mamlakatimiz uchun eng katta muammo bu - bugungi zamon talablariga mos yosh kadrlar yetishmasligini, barcha sohada innovatsion va kreativ fikrlaydigan, ilg’or texnologiyalarni o’zlashtirgan mutaxassislariga ehtiyoj juda yuqori ekanini ta’kidlab keladi. Chunki murakkab o’tish davrida ta’lim sifati pasayib ketdi. Shu bois Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev bu masalaga o’z tashvishi va dardidek qaradi, yurtimizning ertangi kuni zamonaviy yosh kadrlarga bog’liq ekanini alohida ta’kidlab, buning uchun ta’im tizimini tubdan takomillashtirish, yoshlarni vatanparvarlik ruhida, yuksak ma’naviyat egalari etib tarbiyalashni-ustuvor vazifa sifatida o’rtaga qo’ydi. Haqiqatan ham, rivojlangan davlatlar tarixiga



nazar tashlaydigan bo'lsak, ularda jamiyat hayotini o'zgartirishga qaratilgan islohotlar, avvalo yosh avlodni tarbiyalash tizimidan, so'ngra ta'lim tizimi masalalaridan boshlanganini ko'ramiz. Chunki yoshlar ta'lim-tarbiyasini tartibga solmay turib shaxsni, jamiyatni o'zgartirib olmaydi. Davlatimiz rahbari ta'kidlaganidek, O'zbekistonning ertangi kuniga ishonchni mustahkamlash, ajddodlarga munosib bo'lgan yoshlarni tarbiyalash bugungi jamiyatning asosiy maqsadidir. Darhaqiqat, bugungi kunda aholining asosiy qismini tashkil etadigan yoshlarning hali to'la yechilmagan muammolariga e'tiborni jalb etish, sog'lom va barkamol avlodni tarbiyalash faqat davlat organlari, ta'lim muassasalarigina emas, balki keng jamoatchilikning ishtirokini ham talab qiladi. Ushbu muhim strategik vazifani hal qilish hozirgi kunda ko'p jihatdan oila, mahalla, ta'lim muassasalari va fuqarolik jamiyati institutlarining birgalikda samarali faoliyat olib borishini talab etadi. Birinchi prezidentimiz I.A.Karimov ta'kidlaganidek, “Ayni vaqtida bugungi shiddatli zamon, hayotning o'zi yosh avlod tarbiyasi borasida oldimizga yangi-yangi, o'ta muhim va dolzarb vazifalarni qo'ymoqda”. (1)

O'zbekistonda sog'lom avlodni tarbiyalashda jismoniy tarbiya va sport han yuksak ahamiyatga ega ekanligini alohida ta'kidlab o'tish lozim. Shunga ko'ra, shaxsan Prezidentimizning tashabbusi bilan O'zbekistonda o'quvchi va talaba yoshlar o'rtaida samarali natija beruvchi sport o'yinlarni ko'paytirish davlat dasturlari belgilangan. Jumladan “2003-2009 yillar mobaynida Jamg'arma mablag'lari hisobidan respublikada namunaviy loyihalar bo'yicha 1117 ta sport obyektlari barpo etildi va foydalanishga topshirildi”.(2) Uyg'onish Uchinchi Renessans davrining asosiy namunasi bo'lgan uzlusiz ta'lim-tarbiya tizimi borasida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlaridan Prezident maktablarining tashkil etilishi chinakamiga Uchichi renessans davrining poydevori bo'ldi. Mamlakatimizning kelgusi jadal taraqqiyoti yosh iste'dod egalarini aniqlash, iqtidorli bolalarni saralash va o'qitish tizimini takomillashtirish, o'sib kelayotgan avlodning intellektual imkoniyatlarini yuzaga chiqarishni taqozo etmoqda. Prezident maktablari bu borada muhim qadam bo'lib, har tomonlama yetuk, jamiyatimizga munosib kadrlarni tarbiyalashda mustahkam poydevor bo'lib xizmat qiladi.

Davlatimiz rahbari Prezident maktabining faxriy mehmonlar kitobiga dastxat yozib qoldirgan: Unda jumladan, shunday so'zlar bor: “Bugungi kunda yurtimizda yosh-avlod ta'lim-tarbiyasini rivojlantirish umummiliy maqsadga, umumxalq harakatiga, butun jamiyatning ustuvor vazifasiga aylanmoqda. Yangi O'zbekistonimizni - yuksak taraqqiyot bosqichiga ko'tarishdek ezgu niyatimizga yangicha va mustaqil fikrlaydigan, o'z vatanini jonidan ortiq sevadigan, uning yorug' kelajagi uchun sadoqat bilan xizmat qiladigan, fidoyi yoshlarni tarbiyalash orqali erishamiz. Ana shunday salohiyatlari va barkamol kadrlarni tayyorlash maqsadida respublikamizning har bir hududida mutlaqo zamunaviy shakldagi ta'lim mussasalari - Prezident maktablarini tashkil etdik. Men ishonaman, bu maskanlar jonajon O'zbekistonimizning ertangi taqdirini o'z qo'liga olishga, globallashuv davrida keskin bellashuv va raqobatlarda g'olib bo'lishga qodir shaxslarni yangi Xorazmiylar, Farg'oniyalar, Beruniylar, Ulug'beklarni tarbiyalab yetishtiradi. Poytaxtimiz Toshkent shahrida faoliyat boshlagan Prezident maktabi xalqimizning ulug'vor va olivjanob orzuniyatlarini ro'yogga chiqarishda barcha namuna bo'lishiga tilakdoshman”. Birinchi prezidentimiz I.A. Karimov shunday ta'kidlaydi: “Shuni unutmaslik kerakki, kelajagimiz poydevori bilim dargohlarida yaratiladi, boshqacha qilib aytganda, xalqimizning ertangi kuni qanday bo'lishi farzandlarimizning bugun qanday ta'lim va tarbiya olishiga bog'liq”.(3) Yoshlarning kelajakdag'i taqdiri va istiqboli haqida o'ylar ekanmiz, bugungi globallashuv davrida yosh barkamol avlodni ma'naviyatini yuksaltirishda yuqoridaq omillarga alohida e'tibor berish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Xulosa qilib aytganda, xilma-xil usullarda olib borilayotgan ta'lim va tarbiya jarayonlari jismonan sog'lom, ma'naviy barkamol yoshlarni tarbiyalab voyaga yetkazishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Zero, yangi ming yillikda davlatlarning, xalqlarning taqdirini moddiy boylik emas, balki intellektual salohiyati yetuk va yuksak ma'naviyatli yoshlar hal etadi. Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasida yoshlar ma'naviyatini yuksaltirishda ta'lim va tarbiyaning o'rni muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shuning uchun ham mamlakatimizda ta'lim-tarbiya jarayoni uzlusizligi va uzviyligini ta'minlash borasida samarali ishlar amalga oshirib kelinmoqda.



### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:**

1. Karimov. I.A. Amalga oshirilayotgan islohotlarimizni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyati qurish – yorug’ kelajagimizning asosiy omilidir. - Toshkent: O’zbekiston, 2013. –B.40
2. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori. Sport obyektlaridan foydalanish samaradorligini oshirish borasidagi qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida. 2010-yil 5-may// Xalq so’zi,2010-yil 6-may
3. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” –Toshkent.:Ma’naviyat., 2008. –B.61.

Elektron ta’lim resurslari:

1. <http://www.uzedu.uz>
2. <http://www.ziyonet.uz>



**ЮРТИМИЗДА ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ  
ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ, ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА  
ПРЕЗИДЕНТ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ВА ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАЛАРНИНГ  
ҮРНИ - БЕҚИЁС.**

**Рахманов Хуршид Ҳамдам ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонаси мутахассиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонаси томонидан сўнги беш йил мобайнида амалга оширилган ишлар бўйича таҳлилий маълумотлар келтирилган.

**Аннотация.** В данной статье представлена аналитическая информация о работе, проведенной народной приемной президента Республики Узбекистан в Самаркандской области за последние пять лет.

**Калит сўзлар:** Халқ қабулхоналари, мурожаатлар, жисмоний ва юридик шахслар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сон фармонига кўра [1], аҳоли билан тўғридан тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан биринчи марта 2017 йилда мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномасида бошқарув тизими сифатини оширишда «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» [2] деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур эканлиги билдириб ўтилди.

Мазкур тамойил асоси бўлган Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш, халқ билан доимий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ўз вақтида самарали ҳал этишнинг таъсирчан механизмига айланди.

Қонунчиликни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги [3] Қонунининг

10-моддасида уч асосий бўғиндан таркиб топган Халқ қабулхоналари тизими белгиланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Халқ қабулхоналаридан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналари аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг энг самарали ва тизимли фаолиятини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхоналарига тизим (Виртуал қабулхона) орқали келиб тушган мурожаатларнинг беш йиллиги таҳлил қилинганда жисмоний ва юридик шахслар томонидан 120 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 70 минга яқин мурожаатлар ижобий ҳал қилинган, 51 мингдан ортиқ мурожаатларга тегишли тартибда асосли тушунтиришлар берилган.

Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633-сон Фармонига [4] асосан жойларда Халқ қабулхоналарига қўшимча вазифалар белгиланиб, унга кўра Халқ қабулхонаси бошчилигида турли тизимдаг ташкилот вакилларидан иборат тузилган ишчи гурухлар томонидан уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объекtlарни ўрганиш натижасида 44 мингдан ортиқ турли муаммолар аниқланиб, жойларда ушбу муаммоларнинг 36 минга яқини ижобий ечимини топилишига эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПҚ-4197-сон қарорига [5] асосан Сектор раҳбарлари томонидан худудларда мурожаатлар



билин ишлаш, сайёр шахсий ва оммавий қабуллар ўтказиш тизимини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Халқ қабулхонаси зиммасига юклатилган. Шунга асосан, сектор раҳбарлари томонидан жойларда сайёр ва оммавий қабуллар ташкил қилиниб, унда жисмоний ва юридик шахслардан 64 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган, шундан 43 мингдан ортиқ мурожаатлар қаноатлантирилган, қолган 21 минга яқин мурожаатларга асосли равишда тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил

27 декабрдаги ёшлар билан ўтказилган видеоселектор йиғилишда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб олинган. Шунга кўра, вилоятда 2020-2021 йилларда сектор раҳбарлари томонидан жойларда

3200 дан ортиқ ёшлар билан сайёр оммавий қабуллар ва учрашувлар ўтказилган бўлиб, унда 117 минга яқин ёшлар қатнашган. Учрашувларда қатнашган ёшлардан 217 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 11 минга яқини қанотлантирилган, қолган мурожаатларга асосли тушунтиришлар берилган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий этган Халқ қабулхоналари яъни янги тизим томонидан олиб борилаётган ислоҳатларни кўриш учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонасига жуда кўплаб юқори мартабали меҳмонлар ташриф буюришган. Жумладан: 2017 йилда Инсон ҳукуқлари бўйича БМТ юқори комиссари Зейд Раад аль Хусейн, 2017 йил 10 июнь куни БМТ бош котиби- Антонио Гуттерриш, 2017 йил 4 ноябрь – Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ОБСЕ) Ўзбекистондаги элчиси Джон Мак Грегор ҳамда Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги ташкилотига аъзо давлатлардаги элчилари, 2017 йи 27 ноябрда – Япония Ички ишлар ва алоқа вазирлигининг Маъмурий баҳолаш бюроси (Омбудсман) директори ўринбосари Сезиро Йошикайо, 2017 йил 12 декабрда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта ҳаракатлар стратегияси ва Инсон ҳукуқлари Конституцияси призмасида” номли ҳалқаро бир гуруҳ конференция иштирокчилари, 2018 йил 17 октябрда – Россия Федерацииси Президенти ҳузуридаги Халқ хўжалиги ва Давлат хизмати академияси ректори May Владимир Александрович, 2018 йил 29 ноябрда – Тожикистон Республикаси Адлия вазирлиги бир гуруҳ делегацияси, 2019 йил 16 январда - Озарбайжон Республикаси “Осон хизмат” фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш ва ижтимоий инновациялар агентлиги раҳбари Азад Жафарли, 2019 йил 2 апрелда - Россия Федерацияси Президентининг маслаҳатчиси, Россия федерациясининг Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳукуқлари бўйича раиси Михаил Федотов, 2019 йил

23 сентябрда – “Инсон ҳукуқлари ва судъялар ҳамда адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича” БМТ Кенгашининг маҳсус маърузачиси Диего Гарсия Саян, 2019 йил 27 ноябрда - Жанубий Корея ва Козоғистон Республикасидан Сунг Су Джे, Джинсеок Ча, Джонг Йол Пак, Ақылтай Касымов, Мурат Жаксылыховлардан иборат ҳалқаро эксперtlар гурухи ҳамда 2021 йил 25 июня - Парламентлараро Иттифоқ бош котиби Мартин Чунгонг бошчилигидаги делегация аъзолари ташриф буюришган. Юқори мартабали меҳмонларга мамлакатимизда фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг қонуний асос-



лари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Халқ қабулхоналари фаолияти, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлардан ҳайратланиб, улар томонидан янги шакиллантирилган тизим Халқ қабулхоналари томонидан фуқароларнинг муаммо ва масалалари ҳал этилаётганлигини гувоҳи бўлиб, бу олиб бортлаётган ислоҳатларга нисбатан илиқ фикирларини билдиришган.

2022 йил «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб ном берилиши ҳам бежизга эмас. Халқимизни тинч тутув ва фаровон ҳаёт кечириши учун янги тизим ишлаб чиқилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил

3 декабрдаги «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-29-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) фаолиятини самарали ташкил этиш йўлга қўйилди. ПФ-31-сон қарорнинг 9-бандида Халқ қабулхоналарининг ҳар ойда бир маротаба маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қилган ҳолда, ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг натижадорлигини ўрганиш, ўрганиш натижаларини ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида муҳокама қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш каби вазифалар юклатилди.

Хусусан: Самарқанд вилоятининг туман ва шаҳарларида 1123 та маҳаллалар мавжуд бўлиб, ушбу маҳалларнинг барчасига ҳоким ёрдамчилари тайинланган. Бугунги кунда маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳоким ёрдамчиларининг фаолият юритиши учун барча моддий техник базалар билан таъминланган. Ҳоким ёрдамчилари маҳалла фуқаролар йиғини биноларидан ажратиб берилган хоналарда фаолият олиб боришмоқда. Ҳоким ёрдамчилари иш бошлаганига кўп ўтмасдан, ўзини оклаб келмоқда десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Халқ қабулхоналари, сектор раҳбарлари ва тегишли ташкилот раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда жойларда уйма-уй юриш, сайёр қабуллар ташкил этилиб, унда аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ўрганилиб, уларни ечимини топишга эришилмоқда ҳамда фуқароларни ўзини-ўзи банд килиш, ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, бугунги куда ҳоким ёрдамчилари томонидан 545 миндан ортиқ аҳоли хонадонлари хатловдан ўтказилган бўлиб, унда 21 мингдан ортиқ аҳолининг муаммоли масалалари аникланиб, 10 мингдан ортиқ муаммоли масалаларни ҳал этилишига эришилганлиги бунинг исботидир.

Ушбу эзгу ишлар замирида инсон қадрини улуғлаш ва фуқароларимизни давлатдан рози қилишга эришиш, олдимиздаги энг катта мақсад ва вазифалардан бири ҳисобланади.

Хуоса килиб айтганда, Халқ қабулхоналари 5 йил мобойнида ўзини оклаб, фуқароларни давлат идоралари билан боғлаб турувчи мустахкам кўпприк вазифасини ўтаб келмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилда мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5633-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон республикаси президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4197-сон қарори.
6. [www.daryo.uz](http://www.daryo.uz)
7. [www.kun.uz](http://www.kun.uz)
8. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

# **ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 5-ҚИСМ**

**Масъул муҳаррир: Файзиев Шоҳруд Фармонович  
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович  
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

Эълон қилиш муддати: 28.02.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000